

**15 (775)-сон**

**— 51 —**

**245-246-моддалар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**245 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатлари ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида» 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–427-сонли Қонунига мувофиқ:

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида» 2000 йил 4 майдаги ПФ–2599-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 29 декабрдаги Ф–3949-сонли фармойиши.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
ПФ–5007-сон